

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 18-avgust, payshanba

№ 31 (9195)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ РОЛИНИ МУСТАҚАМЛАШ ВА МОЛИЯВИЙ ИМКОНЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Маҳалла институти имкониятларидан кенг фойдаланиш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳар бир маҳалла учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланмайдиган **Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасини** (кейинги ўринларда – жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

а) қуйидагилар жамғармалар маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

маҳалладаги ҳудуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг онлайн-бюджетномасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;

маҳалланинг мол-мулкни белгиланган тартибда ижарага беришдан олинadиган маблағлар;

ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарорларига асосан маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилadиган маблағлар;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси тавсияси асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун маҳаллий бюджетдан ажратилadиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

хорижий (ҳалқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг техник кўмак маблағлари (кредит, грант, беғараз ёрдам ва бошқалар);

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

(Давоми 2-саҳифада)

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

САВДО ЯРМАРКАЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами арафасида Андижон вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан вилоятнинг барча туман, шаҳарлари марказида “Она ер саховати” озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда “Мактаб бозори” арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Андижон шаҳридаги 15 та маҳалла гузари ҳамда барча туман, шаҳар марказларида иш бошлаган савдо ярмаркалари расталарида “Андижон вилоят бозорлари ва савдо мажмуалари” уюшмаси, “Андижон-гўштсавдо”, “Андижон-баландчилик” масъулияти чекланган жамиятлари, вилоятдаги агрофирмалар, паррандачилик корхоналари, савдо ташкилотлари маҳсулотлари, шунингдек, фермер хўжаликлари ҳамда деҳқонлар томонидан мева-сабзавотлар, озиқ-овқат ва полиз маҳсулотлари арзон нархда сотилмоқда.

– Маҳалламиз гузаридида ташкил этилган ярмаркада 50 га яқин турдаги қишлоқ хўжалиги, полиз, озиқ-овқат маҳсулотлари ва сабзавотлар сотилмоқда, – дейди Андижон шаҳридаги

“Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамидулло Исаев. – Айниқса, мол, товуқ гўшти, балиқ ҳамда тухум бозорига нисбатан арзон нархларда, ҳам пластик карталарга сотилаётганидан хурсандимиз. Ҳамюртларимизнинг байрам дастурхонлари тўкин бўлишини таъминлаш мақсадида ташкил



этилган ушбу савдо ярмаркалари шаҳар аҳолиси учун катта қулайлик яратмоқда. Қолаверса, савдога қўйилган маҳсулотлар нархи бозордагига нисбатан арзон. Бундан ташқари, намунали хизмат кўрсатилиши, пластик карталар орқали ҳам савдоларнинг йўлга қўйилганлиги юртдошларимизга манзур бўлмоқда.

Савдо ярмаркаларида 1 килограмм мол гўшти 55 минг сўм,

тухум 800 сўм, пиёз, картошка, сабзи, гуруч, пахта ёғи сингари маҳсулотлар ҳам бозорга нисбатан арзон нархларда сотилмоқда. Яратилган ушбу қулайликдан аҳоли мамнун бўлмоқда.

“Мактаб бозори” савдо ярмаркаларида эса ўқув қуроллари, қўлланма ва адабиётлар, шунингдек, мактаб формалари савдоси йўлга қўйилди. Халқимизнинг энг азиз, энг улуғ айёми – Мустақиллик байрами муносабати билан ташкил этилган арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда “Мактаб бозори” савдо ярмаркалари аҳолига қулайлик яратиш билан бирга, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, халқимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Андижон шаҳри маҳалла гузарларидаги савдо ярмаркалари очирилишига бағишланган тадбирларда вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов иштирок этиб, аҳоли вакиллари билан мулоқотлар ўтказди.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

“Пахта-2022”

ПАХТА НАРХИНИНГ ОШИРИЛИШИ... ФЕРМЕР КУТГАН КУН...



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида жаҳон бозори нархлари таҳлиладан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил пахта ҳосили учун кутилаётган минимал нархларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб бориш белгиланган. Мазкур қарор ижроси юзасидан жойларда фаолият юритаётган пахтачилик йўналишидаги 150 нафар фермер хўжаликлари раҳбарларининг таклифлари олиниб, ўрганилди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида бу рақамни 12 ярим миллион сўм деб белгилаш илгари сурилган бўлса, Қашқадарё вилоятида 11 млн. 900 минг сўм этиб белгилаш таклиф этилди. Бухоро вилоятида 12 млн. 500 минг сўм, Наманган вилоятида 12 млн. 700 минг сўм, Жиззах вилояти 12 млн. 100 минг сўм, Андижон вилояти 11 млн. 900 минг сўм ва ҳокозо деб белгилаш таклиф қилинди.



НАВОЙ ВИЛОЯТИ

ЯШИЛ МАКОНЛАР КўНАЙМОҚДА

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилнинг баҳор мавсумида вилоят ҳудудида 8 миллион 790 минг дона манзарали, мевали дарaxт ва бута кўчатлари ҳамда терак қаламчалар экилиши режалаштирилган эди. Амалда 9 миллион 292 минг дона кўчат экилиб, улар электрон платформага киритилди ва вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан тасдиқланди. Шаҳар ва туманларда 8,8 км. узунликдаги намунавий кўчалар ташкил этилди.

– “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятимизда 14 миллиондан ортиқ турли дарaxт кўчатлари экилди, – дейди вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи в.в.б Х.Бақоев. – Дарaxт кўчатларини кесиш, уларни парваришлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан 197 ҳолатда маъмурий жавобгарлик масаласи кўриб чиқилди. Бу ҳолатда йўл қўйган жисмоний ва юридик шахсларга 64 миллион сўмдан ортиқ жарималар қўлланилди.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



САУДИЯ АРАБИСТОНИ БИЛАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЙўНАЛИШИДА ҲАМКОРЛИК ўРНАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистони Подшоҳлигига Давлат ташрифига тайёргарлик кўриш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев САП атроф – муҳит, сув ва қишлоқ хўжалиги вазири Абдулрахмон ал-Фадли билан музокаралар ўтказди.



Томонларнинг диққат марказида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг жорий масалалари ва истиқболлари бўлди. Ўзбекистон томони Саудия Арабистонилик ҳамкорларининг тажрибаси жалб қилиниши режалаштирилган аниқ йўналишларни таклиф қилди.

Хусусан, аграр соҳада инновацияларни жорий этиш ва таълим тизимини такомиллаштириш лойиҳалари ҳақида сўз борди. Соҳа доирасидаги барча илмий-тадқиқот институтларининг ўзаро ҳамкорлигини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази (AKIS) ва Саудия Арабистонининг Барқарор қишлоқ хўжалиги Миллий илмий-тадқиқот маркази ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида келишувга эришилди.

Музокаралар якунида томонлар Саудия Арабистони компанияларини Ўзбекистон билан қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга келишиб олдилар. Бу шубҳасиз Ўзбекистонда юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва кейинчалик Саудия Арабистонига экспорт қилиш учун яхши имконият яратди.

ЎЗА

БУХОРО ВИЛОЯТИ

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Пешку тумани Халқ қабулхонаси томонидан виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган аҳоли мурожаатлари билан ишлаш юзасидан мониторинг ўтказилди.



Маҳаллаларни ривожлантириш учун алоҳида жамғармалар ташкил қилинади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИМАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ РОЛИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА МОЛИЯВИЙ
ИМКОНЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

б) қуйидагилар жамғармалар маб-лағларидан молиялаштириладиган асосий йўналишлар ҳисобланади:

маҳалла ҳудудидаги ички йўллар, электр энергияси ва табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқова сув тизими таъмирлаш ва тиклаш;

маҳалла биноси, маҳалла ҳудудида жойлашган спорт майдони, нурунийлар чойхонаси, ёшлар маркази, болалар майдончаси, кутубхона, маданият марказини қуриш, мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларни инвентар, мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш;

маҳалла ҳудудида инфратузилмани ривожлантириш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий

кўмаклашиш ҳамда уларнинг турар жойларини таъмирлаш ва жиҳозлаш.

3. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

а) **2023 йил 1 январга** қадар: Кадастр агентлиги билан биргаликда **ҳар бир маҳалланинг аниқ чегаралари** белгиланишини;

Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда маҳаллаларнинг ягона классификатори ишлаб чиқилиб, Давлат статистика қўмитасининг **расмий веб-сайтида эълон қилинишини** таъминласин;

б) Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** маҳаллалар

ташкил этилиши мезонларини улар ҳудудидаги **хонадонлар сонидан** келиб чиққан ҳолда белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Молия вазирлиги билан биргаликда **доимий равишда** жамғармалар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳамкорликда ишларни олиб борсин ва **2023 йил 1 январга** қадар амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодийётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-168-сон қарорининг 3-бандига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири в.б. Т.А.Худайбергенов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2022 йил 16 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ
ДОИМО ЭЪТИБОРДА

(Боши 1-саҳифада)

Натижада тумандаги корхона ва ташкилотлар томонидан 2017 йил 11 сентябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги УРҚ-445-сонли қонун талабларини бузиш ҳолатлари аниқланган. Унга кўра масъул ходимларга нисбатан юқори турувчи органларига таклиф ва тақдимномалар киритилди.

—Жорий йил бошидан шу кунга қадар аҳоли мурожаатлари билан ишлашда камчиликларга йўл қўйганлиги учун давлат органлари ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш бўйича 8 та таклиф ҳамда 18 та тақдимнома киритилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Пешку туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Ҳ. Раҳмонов.

— Жумладан, Пешку тумани ҳокимлиги, туман прокуратураси, туман ички ишлар бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси, туман тиббиёт бирлашмаси, туман оила ва

хотин-қизлар бўлими, "Агро-банк" АТБ Бухоро вилояти бошқармаси, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Пешку тумани бўлими, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Бухоро вилояти Янгибозор почта алоқа боғламаси, АТ "Халқ банки" Бухоро вилояти филиали, туман аҳолини бандлигига кўмаклашиш маркази, туман мактабгача таълими бўлими ҳамда туман электр таъминоти корхонасига таклиф ва тақдимномалар тақдим этилди.

Камчиликларга йўл қўйган давлат органлари ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш бўйича 8 та таклиф ҳамда 14 нафарига ҳайфсан берилди. 1 нафарининг ойлигидан (30 фоиз) чегирма, 1 нафари лавозимидан озод этилди.

Ушбу киритилган таклиф ва тақдимномалардан мақсад аҳоли мурожаатларига эътиборсизликнинг олдини олишдир.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА муҳбири.ПАХТА НАРХИНИНГ ОШИРИЛИШИ...
ФЕРМЕР КУТГАН КҮН...

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 27 июл куни пахтачилик кенгаши бўйича ўтказилган йиғилишда "Долзарб 30 кунлик" эълон қилиниши ҳамда ҳар бир туман, ҳар бир ҳудуднинг ўз нави бўлиши керак, деган сўзлари фермерларимизнинг меҳнати меҳнат, ғайратига ғайрат қўшиб, уларни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Шу билан бирга яна бир янгиликнинг эълон қилиниши, яъни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 1 тонна пахта харид нархининг ўртача 10 миллион 25 минг сўм қилиб белгилаб берилиши фермерларни янада руҳлантирди. Мамлакатимиздаги 28 мингдан ортиқ пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари бундан жуда мамнун эканликларини билдириб, кўпчилиги ОАВ орқали ўз миннатдорчиликларини изҳор этишаётди. Улар ўз миннатдорчилик изҳорларида жорий йилда пахтадан 30-35 центнердан ҳосил

кутаётган бўлса, "Долзарб 30 кунлик" мобайнида қилинган ишлар, зарурий чора-тадбирлар ҳамда пахта харид нархининг ўртача 10 миллион 25 минг сўм этиб белгилаши натижасида 45-48 центнергача ҳосил олиш учун шиддат билан меҳнат қилаётганликларини баён этганлар. Улар Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳам давлатимиз раҳбарининг пахта нархини ошириб берганлиги юзасидан миннатдорчиликларини етказиб қўйиш юзасидан мурожаатлар йўлламоқда. Мухтарм Юртбошимиз айтганидек, бу йил фермер хўжалиklarининг пахта ҳосилидан олган даромадлари эвазига ҳисоб рақамларида хорижий валюталар бўлишига замин яратилди. Биз ҳам келгусида, фермер хўжалиklarида хорижий валюталар ҳисобига ўз фаолиятини хорижий технологиялардан иборат томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш ҳамда илғор технологиялар жорий этилишига ишонамиз.

Албатта, бунинг натижасида фермер хўжалиklарини ишчиларининг даромадлари ҳам муттасил ошиб боради.

Бу йил кузатишган аномал иссиқ, ноқулай об-ҳаво шароитига қарамадан ғўзани парваришлаб, ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга бел боғлаган фермерларимизнинг меҳнати янада қадр топиб, пахтага юқори нарх белгилангани миришкор деҳқонларимизнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Бу ҳам уларга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Ўйлаймики, давлатимиз раҳбари томонидан яратилаётган бундан имкониятлардан фермерларимиз янада унумли фойдаланиб, хўжалиklарини имкониятларини бундан-да кенгайтиради, келгусида ватанимиз равнақи учун бор куч ва ғайратларини ишга солади.

Зокир АЛЛАМУРАДОВ,
Ўзбекистон фермер,
деҳқон хўжалиklарини ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи.

Ўқув-тренинг

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ҳосилдорликни ошириш билан бир қаторда сифат кўрсаткичларини ҳам яхшилаб бориш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун экиннинг талабидан келиб чиқиб, сув – ҳаво – туз – озуқа тартиботлар мувозанатини таъминлаш лозим бўлади.

Бу мувозанатни таъминлашда эса мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ўз навбатида тежамкор сугориш технологияларини қўллаш катта аҳамият касб этади. Шу ўринда "ANNEXURE FINANCIAL SOLUTIONS LIMITED" компаниясининг асосий экспертлари: Аҳмаджон Алимжанов ва Бахтияр Матякубовлар "Фаргона водийсида сув ресурсларини бошқариш II босқич" лойиҳаси Б компоненти:

МУТАХАССИСЛАР НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРИНИ
АМАЛИЁТ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАДИ

"Қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш ва диверсификация қилишни қўллаб-қувватлаш ҳамда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида сув хўжалиги мутахассисларига "Норин-Қарадарё" ИТҲБда назарий ўқув-тренинг дастурларини ўтказишди. Ўқув-тренингни янада самарали бўлишини таъминлаш мақсадида амалий машғулотлар "Сабзавотчилик, полиз ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти" Андижон станциясининг кўргазмали тажриба дала майдонида ташкил этилди.

Ўқув-тренинг қатнашчиларига дала шароитида тажриба майдонини ташкил қилиш тамойиллари, танлаб олинган кўргазмали далада бажарилар-



диган илғор агротехнологиялар ҳамда қўлланилган тежамкор сугориш технологиялари жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологияларини лойиҳалаш босқичлари тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтилди. Ўқув-тренинг дастурининг дала шароитида, амалий тарзда ташкил қилиниши ҳар жиҳатдан муваффақиятли бўлди. Умуман олганда, ўқув-тренингда "Норин-Қарадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, "Савай-Оқбўйрасой" ирригация тизими бошқармаси, лойиҳа ҳудудига қарашли бўлган Қўрғонтепа, Жалақудук, Хўжа-обд ва Булоқбоши туманлари ирригация бўлимлари ходимлари ҳамда вилоятдаги соҳага тааллуқли ўттиздан

ортиқ мутахассислар иштирок этди. Мутахассислар тажриба далаида лойиҳаланиб, қурилган томчилатиб ва ёмғирлатиб ҳамда пуркаб сугориш усуллари, уларни ишлатиш, лойиҳалаш, қуриш ҳамда фойдаланиш жараёнлари билан ҳам яқиндан танишди. "Сабзавотчилик, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти"нинг Андижон туманида жойлашган Андижон илмий-тажриба станциясидаги кўргазмали тажриба далада 10 гектар майдон, жумладан, ёмғирлатиб сугоришга 3, томчилатиб сугориш учун ҳам 3, ер устидан такомиллашган сугориш усули учун эса 4 гектар майдон олинган бўлиб, сув тежамкор усулларни қўллаш бўйича



жадал ишлар олиб борилмоқда.

Автоматлаштирилган пуркаб сугориш технологиясини қўллаш бўйича ҳам тушунчалар бериб ўтилди. Худудда тажриба тариқасида ташкил қилинган иссиқхонада экинларни мазкур усулда парваришлаш бўйича Аҳмаджон Алимжанов ва Шоҳруҳбек Ваҳобовлар батафсил тўхталиб ўтилди. Бунда экинларнинг ўсиб, ривожланишида талаб этиладиган ҳаво намлиги, ҳарорат ва ёруғликни автоматик бошқариш, ўсимлик танасидан чиқаётган буғланишни камайтириш, микроклим яратиб бериш хусусида маълумотлар берилди. Шунингдек, замонавий иссиқхонада етиштирилаётган қулупнай, помидор, аччиқ қалампир, артишок, қарам кўчатларини етиштириш агротехникаси ва сугориш усуллари тўғрисида ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

Тажриба даласининг асосий сув манбалари Қарадарёдан сув оладиган "Паралел" ариғи, булоқ суви орқали шаклландиган "Бобоғози" ариғи ва 1 та тик қудуқ ҳисобланади. Дала ўқув жараёнида тежамкор сугориш технологияларининг экинларнинг сувга бўлган талабини қондириш жараёни бўйича

олган амалий кўникмалари қатнашчиларда юқори қизиқиш уйғотди. Шу аснода қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда тежамкор сугориш усулларининг ўрни, уларни тўғри лойиҳалаш, ўрнатил ва ишлатиш бўйича бир қатор маслаҳат ва тавсиялар бериб ўтилди.

Сирасини айтганда, қатнашчилар ўқув-тренинг давомида олган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашга эришдилар. Томчилатиб, ёмғирлатиб ва пуркаб сугориш технологиясини тўғри лойиҳалаш, ишлатиш ва эксплуатация қилиш бўйича аниқ тасаввурга эга бўлишди. Сугориш усуллари ва технологияси ҳамда уларнинг жойларда экин турига қараб танланиши, қўлланилиши ҳамда лойиҳалаштирилиши, бу усулларнинг афзалликлари тўғрисида етарлича фикрга эга бўлишди.

Муқимжон ТОШПҮЛАТОВ,
"Фаргона водийсида сув ресурсларини бошқариш II босқич" лойиҳаси Андижон вилояти лойиҳа бош муҳандиси,
Испломбек РУСТАМОВ,
ирригация соҳаси бўйича маҳаллий эксперт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида "Пахтачилик кенгаши"нинг ташкил этилиши ағрар соҳа вакиллари олдига ҳам муҳим вазибаларни қўйди.

"ПАХТАЧИЛИК КЕНГАШИ"
АЪЗОЛАРИ ПАХТА
ДАЛАЛАРИДА

Жумладан, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсификациялаш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида икки баравар ошириш, қишлоқ хўжалиги йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, туманларни аниқ маҳсулот тури етиштиришга ихтисослаштириш, янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратилиш, 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳамда аҳолига очиқ танлов асосида узоқ муддатли ижарага бериш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсификациялаш, иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш кабилар кўзда тутилган. Шунингдек, сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича ҳам алоҳида давлат дастурини амалга ошириш лозим. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш, сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камайтириш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш, чорва озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини 1,5-2 баравар кўпайтиришга эришиш лозимлиги қайд этилган. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, юрт равнақи, ватанимизни янада тараққий эттириб, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг жорий йил 7 июль кундаги "Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги "Пахтачилик кенгаши" аъзолари ва бошқа соҳа мутахассислари иштирокида Жарқўрғон ва Шеробод туманларида ғўза апробациясини ўтказиш ва 2023 йил учун сифатли уруғ захирасини яратиш мақсадида кўргазмали ўқув семинари ўтказилди. Унда иштирокчилар барча саволларига вазирлик ва идора ходимлари, профессорлардан етарли жавоблар олишди.

Сирасини айтганда, семинар савол-жавобларга бой тарзда, айнан дала майдонларида, олимлар ҳамкорлигида ўтказилган билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Зокир ҚУЛИЕВ,

"Ўзагроинспекция"нинг Сурхондарё вилояти бошқармаси бош инспектори.



Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муборак бўлсин!




Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг бошида, Самарқанд вилоятига таширифи чоғида Булунғур сув омборини қуриш ташаббусини илгари сурган эди. Шундан келиб чиқиб, Зарафшон дарёси сув ресурсларидан фойдаланиш ва Самарқанд вилоятидаги суғориладиган ер майдонларини сув билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд вилоятида Булунғур сув омборини қуриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга биноан, мазкур объектида “Самарқандсувқурилишнинг” ДУК буюртмачи, “ЎЗГИП” МЧЖ бош лойиҳачи, “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмасига қарашли “Зарафшонмахсуссувқурилиш” МЧЖ бош пудратчи этиб белгиланди. Бугунги кунда мазкур ҳудудда “Зарафшонмахсуссувқурилиш” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб,

“ЗАРАФШОНМАХСУССУВҚУРИЛИШ”
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

ватандошларимизни, шу жумладан, юртимиз сув ҳўжалиги тизимида фаолият олиб бораётган фидойи соҳа вакилларини, барча ҳамкасб дўстларини энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги билан қизғин муборакбод этади ва барчага улкан зафарлар ёр бўлишини тилайди. Ягона ва мустақкам оила бўлган Ўзбекистонимиздан, бағрикенг халқимиз хонадонларидан тотувлик, хурсандчилик асло аримасин. Тўйларимиз тўйларга, байрамларимиз байрамларга уланаверсин. Ўтаётган ҳар бир кунимиз файзли, амалга ошираётган эзгу ишларимиз бардавом, Истиқлолимиз абадий бўлсин!

“НАВОЙДОНМАХСУЛОТЛАРИ” АЖ жамоаси

кўп миллатли мамлакатимиз халқини, жумладан, аграр соҳада фидойилик кўрсатиб, улкан муваффақиятларни кўлга киритиб келаётган деҳқон-фермерларни, ҳамкасбларини Ўзбекистон Республикаси **МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ** байрами билан қўтайди. Ҳар қандай ноқулай шароитда ҳам ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, тўкин ва фаровон ҳаётимизга ўз ҳиссасини қўшаётган миришкорларга доимо улкан зафарлар ёр бўлишини тилайди. Тани сўхатлик, тинчлик-омонлик, кўнгил хотиржамлиги ҳамшиша ҳамроҳингиз бўлсин. Хонадонларимизни файзу барака, қалбларимизни шоду хуррамлик тарк этмасин! Янги Ўзбекистонимизга асло кўз тегмасин!



Аҳолига давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг соддалаштирилиши, маъмурий тартиб-таомилларнинг шаффофлиги коррупциявий омилларнинг камайишига, шунингдек, давлат ҳокимиятининг ички ва халқаро миқёсдаги нуфузининг ошишига хизмат қилади. Бундан ташқари, у ёки бу давлат бошқаруви органи фаолияти билан боғлиқ маълумотларнинг очиқлиги, жамиятнинг ташаббускор аъзолари томонидан бериладиган самарали ғояларни ўз вақтида амалиётга татбиқ этиш имкониятини яратди.



МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

уларни ишлаб чиқишда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Маъмурий ҳуқуқнинг назарий асосларини ҳар бир давлат ўзи ривожлантириши лозим. Бу унинг маъмурий органлари, суди ва олимларига боғлиқдир. Шу маънода хорижий давлатлар “қолиплари” асосида эмас, балки миллий қонунчилигимиз ва суд амалиётимиздан келиб чиқиб, маъмурий тартиб-таомилларни ўз тилимизга тўғри ўгиришимиз зарур. Яъни, маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асоси бўлган қонунни амалиётимиздан, муаммоларимиздан келиб чиқиб ишлаб чиқишимиз лозим. Аввало шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Маъмурий тартиб-таомиллар Қонунда ҳозирга қадар мамлакатимиз қонунчилигида келтирилмаган ёки кам учрайдиган бир қатор янги принциплар амалиётга жорий этилган. Буларга қуйидагиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин: мутаносиблик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, ишончнинг ҳимоя қилиниши, маъмурий

ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги, текшириш принциплари. Амалга оширилган таҳлиллар жойларда маъмурий қонунчилик меъёрларини қўллаш билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилмагани, ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари жавобгарлиги аниқ чегарасининг мавжуд эмаслиги соҳа қонунчилигини чуқур таҳлилдан ўтказишни талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат”, – деган фикрлари маъмурий қонунчилик асосларини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда маъмурий қонунчилик ўз олдида шахс ва давлат, фуқаро ва ижро ҳокимияти ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, давлат бошқаруви соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишини таъминлаш ҳамда уларни ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйган. Шу билан бирга, маъмурий қонунчиликда маъмурий органларнинг дискрециявий ваколатларини амалга оширишни назарда тутувчи нормалар ҳам кенг қўлланилади. Демак, бунга ўхшаш ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш айнан бир хил баҳолаш механизмлари ва дискрециявий ваколатларни мустақамловчи юридик техниканинг чуқур ўйланган усул ва воситаларини қўллаш заруратини юзага келтиради.

К.ИНАГАМОВА,
Тошкент туманлараро маъмурий суди судья ёрдамчиси.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН БОЙСУННИНГ ЭНГ ЧЕККА ҚИШЛОҒИГА ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳазратқул Хўжамқулов сайловчилар билан учрашуви давомида Бойсун тумани “Сайроб” маҳалласида истиқомат қилаётган фуқаролардан тоза ичимлик суви масаласида муурожаат қилишган эди. Маълум бўлишича ушбу қишлоқ аҳолиси тоғли ҳудудда, яъни қир-адирда истиқомат қилишини ҳисоб олганда ушбу маҳаллага ичимлик суви келиш анча қийинчилик туғдирар эди. Шу сабабли маҳаллага тоғдан ичимлик суви тармоғини тортиб келишдан бошқа чора йўқ. Депутат халқ билан мулоқот қилар экан, албатта, бу масалада туман ҳокимлиги орқали ижобий ечим топишда ваъда берди. Ва ниҳоят, депутатнинг ваъдаси амалга ошди. “Сайроб” маҳалласида илондарадан ичимлик сувини олиб келиш лойиҳаси бошланди. Ҳозирги вақтда туман ҳокимлиги масъулигида ҳамда маҳалла аҳолисидан 30 нафардан зиёд киши ҳашарга жалб қилинди. Август ойининг охирига қадар ушбу маҳалла ичимлик суви билан таъминланади.



Эълонлар

“Тошкент Минтақа” МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

“Issiqlik elektr stansiyalari” AJ va Toshkent “Issiqlik elektr stansiyasi” Ajning 2022 йил 11 августдаги №04-30/3105 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Toshkent “Issiqlik elektr stansiyasi” AJда сақланаётган 1. “Газ 3302” русумли, давлат рақами 10/413КАА бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси - 44 261 000 сўм, 2. “2ПТС-4793” русумли давлат рақами 10 ВА 170 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 10 820 700 сўм бўлган тиркама очиқ аукцион савдосига такрорий кўйилмоқда. Аукцион савдолари 2022 йил 2 сентябр кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг

охирги муддати: 1 кун аввал. Автотранспорт воситалари 2022 йил 2 сентябр кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 9 ва 16 сентябр 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 1 кун аввал. Савдо қолибига 10 банк кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТБ “Капиталбанк” Яшнобод филиали, х/р:20208000205363013001 МФО: 01136, СТИР:308305364 га ўтказади. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси 32-уй. Телефон: 71 233-28-52, 97, 155 08 21, 90 971-20-00.

Гувоҳнома №.965941

“WHITE PORCELAIN” МЧЖ (СТИР: 302 764 417) устав жамғармаси 55 925 930 сўм 00 тийиндан 54 125 930 сўм 00 тийинга камайитириладиганлиги ва “OSIYO PIYOLASI” МЧЖ масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги улушини қайтариш учун депозит рақам очилиб, унга 1 800 000 сўм ўтказилганлигини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Гавҳар кўчаси 124-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Зангиота академик лицейи томонидан Амирова Умидаҳон Шамши кизи номига берилган L № 182599 (рўйхат рақами 129) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз"



БУРЧМУЛЛА ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ



ватандошларимизни, жумладан, мамлакатимиз яшиллик оламини аслидай асраш, уни тоборо кенгайтириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳамкасб дўстларини

Истиқлолимизнинг 31 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади. Ушбу қувончли кунларда хонадонларингизга тинчлик, файзу барака, дастурхонларингизга бундан-да тўкин-сочинлик тилайди. Эзгу умид, пок ният ила қилаётган хайрли ишларингиз доимо барорли бўлсин! Аждоҳларимизнинг асрий орзуларини ўзида мужассам этган Мустақиллигимиз абадий бўлсин!




ОХАНГАРОН ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни, шу жумладан, фидойи ҳамкасбларини энг улўа, энг азиз айём – **Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги**

билан табриқлайдигу ва азму қатъий, тантқи, меҳнатсевар юртдошларимизнинг эзгу ишларига барака тилайдигу. **Мудом юртимиз тинч, осмонимиз мусалффо, ҳамжиҳатликга тараққийёт урқдари сари ташлаётган гадила одимларимиз баргавом бўлсин!**



ИЖРОСИ ПАЙСАЛГА СОЛИНГАНИ БИЛАН МАВЖУД ХАВФ КАМАЙИБ ҚОЛМАЙДИ

ёхуд магистрал газ қувурларининг муҳофаза минтақаларидаги мавжуд қурилмалар қачон хавфсиз жойга кўчирилади?

Маълумки, Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармаси Фарғона МГҚБ, Тошкент вилояти, Тошкент шахри истеъмолчилари ҳамда худдада ИЭСларни табиий газ билан бир маромда таъминлайди. Магистрал газ қувурларини назорат қилиш қувур назоратчилари томонидан амалга оширилади ва Газ тақсимлаш станцияси операторлари жараёни назорат қилиб боради. Бу қувурлар атрофида қувур ҳажмидан келиб чиққан ҳолда энг кам хавфсиз масофа ва муҳофаза минтақалари белгиланган. Бундай майдонларда бино, иншоот қуриш ёки қишлоқ хўжалиги экинлари экиб, фойдалана


ниш хавфлидир. "Ўзтрансгаз" АЖ, Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармаси тизимдаги масъул мутахассислар томонидан муҳофаза минтақаларида жойлашган қурилмаларни хавфсиз жойларга кўчириш, қувурлар атрофидаги мавжуд хавф тўғрисида мунтазам тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармаси томонидан хизмат кўрсатиладиган магистрал газ қувурларининг муҳофаза минтақаларида жойлашган бино ва иншоотлар фавқулодда ҳолат содир бўлиш эҳтимоли бўлган хавфли худудда турибди. Жумладан,



Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармаси тасарруфидаги магистрал газ қувурлари ва унинг тармоқларининг муҳофаза минтақаларида бугунги кунда жами 367 та турар ва нотурар бино иншоотлар мавжуд. Таъкидлаш керакки, Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармасининг масъул ходимлари томонидан бу қурилмаларнинг эгалари мавжуд қурилмаларини хавфсиз жойга кўчириши кераклиги тўғрисида ҳар чорақда огоҳлантирилади, ижроси таъминланмаган тақдирда Фуқаролик ишлари бўйича туман судларига даъво аризалари киритилади. Буни тўғри тушуниш ва белгиланган меъёрларга риоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Жорий йилнинг ўтган даврида биргина Қибрай туманидаги магистрал газ қувурларининг муҳофаза минтақаларидаги мавжуд қурилмалар юза-

сидан Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига 26 та даъво аризаси киритилди. Аризалар кўриб чиқилиб, қурилмаларни хавфсиз жойга кўчириш бўйича суд ҳал қилув қарорлари ҳам чиқарилган. Лекин уларнинг ижроси сустиглигича қолмоқда. Ахир, ижроси пайсалга солингани билан мавжуд хавф камайиб қолмайди! Буни тўғри тушуниш ва белгиланган меъёрларга риоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Қачонки, бирор жойда газ сизиб чиқиб, кимдир моддий зарар ёки инсоний талафотга йўлиққанда айбдорни қидиргандан хатарнинг олдини олган яхшироқку. Магистрал газ қувурларининг атрофидаги белгиланган майдонларга дахл қилмаслик ҳар биримиз учун шарт эканлигини унутмайлик!

С. ЖОВЛИЕВ,
Тошкент МГҚБ ГТЭҚ хизмати мутахассиси.



Мухтарам Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар, хусусан, ободлик, бунёдкорлик борасидаги саъй-ҳаракатлар ватандошларимиз қалбига нурур ва ифтихор бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончини янада оширмоқда. Жойлардаги қизгин ярагувчанлик жараёнлари худудлар қиёфасини тубдан ўзгартириб, шаҳару қишлоқларимизга ўзгача файз, чирой бахш этмоқда. Албатта, бу жараёнда яшиллик олами жонқуярларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Қалбда Ваган тақдирига даждорликни сезган юртнинг асл фарзандларини бир мақсад сари бирлаштиради. Йлоқим, юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусалффо, ҳар бир кунимиз хурсандчилиги ва янгиликларга бой бўлсин. Яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами муборак бўлсин, азизлар!

ХЎЖАМУШВЕНТ ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

QISHLOQ HAYOTI
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:
Шавкат ХАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).
Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюртма Г-847. 1326 нусхада чоп этилди.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021
11772010702007
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.00